**Сардор** ✡ 2-бет



Бу овулнинг ерлари Амударё билан туташиб кетади. Унинг ҳудуди дарё қайирларидан ошиб, Хоразм вилоятининг Хонқа туманигача бориб етади. Дарё ўзанидаги оролчалардан ҳар иккала соҳил деҳқонлари ризқ-насибасини териб ейди. Туямўйин гидроиншооти қурилмасдан олдин кўплаб серҳосил ерларни, уй-жойларни гирдоб ўз домига тортиб кетган. Бу дарё дастидан неча юзлаб оилалар паноҳ излаб Жамбасқалъа, Қирққиз, Элликқалъа томонлардан паноҳ топишга мажбур бўлган.

**Тараққиёт асоси** ✡ 3-бет



*Сирдарё вилоятида турли миллат-элат вакиллари бир оила фарзандларидек, аҳил-иноқликда яшашмоқда. Истиқлол йилларида жами 5 та миллий маданий марказ шаклланди. Улардан славян халқларининг «Русь» миллий маданий марказига сиёсатшунослик фанлари номзоди, Гулистон Давлат университети доценти Вадим Дубков, қирғиз миллий маданий марказига Сирдарё вилояти педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти профессори Абдусалом Жонибеков раҳбарлик қилишади.*

**Тахайюл чизгилари** ✡ 4-бет



*Мусаввирнинг ижодига хос бадиий услублар ранг-баранглиги унинг чуқур миллий характерини янада яққол намоён этади. Умуман олганда, Шавкат Музаффарнинг шарқ афсона ва ривоятлари замонавий бадиий усуллар орқали талқин қилинган асарлари кўргазмага келганларда ажойиб таассурот қолдирди.*

*Insonga naf keltirish — oliy baxt*



# Ishonch

Миллат келажаги — оналар қўлида.
*О. БАЛЗАК*

*2008-yil 29-noyabr, shanba*
*№144 (2557)*

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг омонатларини жаҳон молиявий кризисининг эҳтимол тутилган салбий оқибатларидан ҳимоялашнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, мамлакат банк тизимига аҳолининг ишончини тобора мустаҳкамлаш, аҳоли омонатларини тижорат банкларига жалб қилиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан таъминланади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ омонатларнинг миқдорларидан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари бўйича тўла ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади.

3. Белгилансинки, фуқароларнинг омонатлари бўйича тўлиқ миқдорда ҳақ тўлаш тижорат банкининг маблағи ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат банкларининг бадаллари ва ажратмалари ҳисобига шакллантириладиган Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Марказий банк ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига таклифлар киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 28 ноябр



## Имкониятлар кенгаймоқда

**Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, хорижий инвестицияларни янада кенгроқ жалб этиш борасидаги ишлар мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.**

Наманганлик тадбиркор Акрамжон Сатторов раҳбарлик қилаётган «Турбопласт» хусусий корхонасида замонавий технология асосида пенопластдан қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва қандолатчилик учун зарур асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилмоқда.

— Ўтган олти ой ичида 24 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, — дейди корхона раҳбари А.Сатторов. — Турли қалинликдаги пенопласт листлар, қишда совуқдан, ёзда иссиқдан сақловчи девор ва том ёпқичлари, пол тўшамалари, хоналар шифтини безаш учун қоплама ва карнизлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун пластмасса қутилар, музқаймоқ ва тортлар учун контейнерлар шулар жумласидандир.

Корхонада ҳозир йигирма киши меҳнат қилаётир. Тез орада ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан яна шунча иш ўрни яратилади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган кенг имкониятлар самарасидир.

**Ҳ.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат**

■ Халқаро семинар

# «Аёллар: Меҳнат бозори ва бандлик»

***Аввал хабар қилганимиздек, 27—28 ноябрда ЎзКУФК ўқув марказида «Аёллар: меҳнат бозори ва бандлик» мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Дилбар Жаҳонгирова олиб борди. Анжуманда Россия, Озарбойжон, Қозоғистон, Тожикистон касаба уюшмалари ҳамда республикамиздаги турли вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Халқаро семинарда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова сўзга чиқиб, кун тартибидаги масаланинг ўта долзарблигига эътиборни қаратди.***



Шундан сўнг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Нормамат Аллаёров «Ишловчи аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда касаба уюшмаларининг ижтимоий шерикчилик имкониятлари» мавзуида маъруза қилди. У бугунги кунда аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, меҳнат фаолиятини оилавий мажбуриятлар билан биргаликда олиб бориш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича республикамизда мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилганлигини алоҳида таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат Дастурида аёлларнинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, хавфсиз меҳнат шароити, ижтимоий ҳимоя ва тиббий хизмат билан таъминлаш, ижтимоий ва маданий ҳаётда иштирок этиш, таълим ва ривожланиш, шахсий дахлсизлик, эркаклар билан тенг ҳуқуқлиликни изчил амалга ошириш масалалари фаолиятимизнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган.

Кун тартибидаги масала бўйича сўз олган Республика меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ўринбосари Шуҳрат Саидов, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори Раъно Убайдуллаева, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон миллий маркази таҳлил ва тадқиқот бўлими мудири Фарида Бақоева, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Озода Муҳитдинова, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маъруфова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ўз самарасини бераётганини айтиб ўтдилар.

Шунингдек, давлат ва жамоат ишларида хотин-қизлар фаоллигининг ошиб бораётгани, нафақат ижтимоий-маданий, шу билан бирга иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик соҳаларида уларнинг ўрни ва роли ортганлиги, бундай ғамхўрлик ва эътибор самараси ўлароқ, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик ҳаракатига жалб этиш борасида муайян ишлар амалга оширилгани эътироф этилди. Айниқса, хотин-қизлар меҳнатининг касаначилик, кичик бизнесни ривожлантиришдаги улуши, фермер хўжаликларида аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий манфаатлари, меҳнат муҳофазаси каби жиҳатлар кенг таҳлил этилди.

Семинар иштирокчилари учта секцияга бўлинган ҳолда ўзаро мулоқот тарзида фикр алмашдилар.

Икки кун давом этган халқаро семинарда иштирокчилар аёлларнинг меҳнат ҳуқуқи, бандлигини янада ривожлантириш учун кредитлар ажратиш, тадбиркорлик, кичик бизнесдаги иштирокини таъминлаш ҳамда ижтимоий-меҳнат соҳасида гендер тенгликка эришиш, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчиларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш лозимлигига эътиборни қаратдилар, халқаро ташкилотларнинг нуқтаи назари ва тажрибаси билан танишдилар.

Анжуман якунига кўра тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Икром ҲАСАНОВ олган сурат**



## *Сўз — хорижлик меҳмонларга*

**Татьяна ПАШКО, Россия мустақил касаба уюшмалари Федерацияси ташкилий ва касаба уюшмаларини ривожлантириш ишлари департаменти раҳбари ўринбосари, гендер ривожланиш бўйича доимий комиссияси масъул котиби:**



— Дунёдаги аёлларнинг тили, миллати турлича бўлса-да, уларни битта мақсад бирлаштириб туради. Бу — дунёнинг тинч-осойишталиги, фарзандлар камоли, оила фаровонлиги ва хотиржамлиги. Халқаро семинар баҳона Ўзбекистонда хотин-қизларга давлат томонидан кўрсатилаётган алоҳида ҳурмат ва эҳтиромга гувоҳ бўлдим. Айниқса, аёлларнинг ўзи қизиққан соҳада фаолият кўрсатаётганлиги, меҳнатининг қадрланиши, муҳофаза қилиниши ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланишида бу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Аёлларнинг ўз касб, ижодий интеллектуал салоҳиятини намоён этиши учун барча шарт-шароит ва имкониятларнинг яратилганлиги юртингизда аёлларнинг ижтимоий ҳимоя тизими мукаммал шаклланганидан дарак беради.



**Сайёра ШАРИПОВА, Тожикистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари, Тўқимачилик ва енгил саноат ходимлари касаба уюшмаси республика қўмитаси раиси:**

— Ўзбек ҳамкасбларимиз муҳокама учун таклиф қилган мавзу ўта муҳим ва ўз вақтида кўтариб чиқилган, десам асло муболаға эмас. Бугун бутун ер юзида хотин-қизлар ва болалар жуда кўплаб камситишлардан азият чекмоқдалар.

Бундан буён бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Ушбу йўналишда бизда ҳам муайян ютуқларга эришилмоқда. Хотин-қизлар иш кучидан имкон даражасида тўлароқ фойдаланиш учун саъй-ҳаракатлар давом этяпти. Айниқса, енгил саноатда, хусусан, ип йигирув, тикув, трикотаж, ипакчилик каби соҳаларда хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш бир мунча юқори.

Тожикистон туғилишнинг кўплиги билан ажратиб туради ва табиийки, аҳоли салмоғида болалар катта нисбатни ташкил этади. Бу эса ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётини белгилашда болалар учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни тақозо этади.

Муҳими, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда ҳуқуқий, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида республика касаба уюшмалари ҳам фаол қатнашмоқда. Ушбу анжуманда кўрилаётган масала ҳам тегишли хулосалар чиқариб олишимизга ёрдам беради, деган умиддамиз.

**Лайла АҲМЕТОВА, Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси маслаҳатчиси, ишловчи хотин-қизлар масалалари бўйича комиссия раиси, академик:**



— Биз бунгача ҳам хотин-қизлар масалаларига оид кўплаб халқаро конференцияларда ўз муносабатларимизни билдирганмиз, хусусан, 2007 йилнинг ноябр ойида бўлиб ўтган IV Халқаро конференцияда «ЕвроОсиёда гендер сиёсати: тенгликнинг ҳозирги замон сиёсий маданияти йўлида» мавзуидаги маърузамиз мамлакатимизда тўпланган тажрибага асосланди ва у кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди.

Шунингдек, шу йил октябрда Варшавада ўтказилган мажлисда «Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим: мактаблар ва олий ўқув юртлари тажрибаси», «Қозоғистонда меҳнат миграцияси, нолегал мигрантлар (айниқса, хотин-қизлар ва болалар) билан ишлаш» каби мавзуларда чиқишлар қилинди.

Мана бугун, Тошкентда айнан шу масалалар билан боғлиқ муаммолар ечимини биргаликда изламоқдамиз.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё минтақаси аёллари, ўз моҳиятига кўра, ўхшаши йўқдир. Бизда билим ҳам бор, оиламиз ҳам ибратли. Ўз ҳаётий позициясига эга бўлган хотин-қизларимиз жуда кўп, қолаверса, барчамиз ўз юртимизни жуда севамиз. Демак, ҳаммаси ўз қўлимизда. Болаларимиз ва набираларимизнинг қандай инсонлар бўлиб вояга етиши ҳам асосан бизга боғлиқ. Бинобарин, биргаликдаги саъй-ҳаракатимиз ҳам шунга муносиб бўлиши керак.



**Наргизахоним МАМЕТОВА, Озарбойжон тўқимачилик ва енгил саноат ходимлари касаба уюшмаси республика қўмитаси раиси:**

— 2008 йил мамлакатимиз касаба уюшмалари учун хайрли келди. Июн ойида Боку шаҳрида Хотин-қизларнинг халқаро анжумани, сентябрда эса республика хотин-қизларининг III съезди бўлиб ўтди. Табиийки, уларда хотин-қизлар меҳнат шароитини яхшилаш, меҳнат муҳофазаси, оналикни ҳимоя қилиш, гендер тенглик, шунингдек, болалар меҳнатидан фойдаланишни таъқиқлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шу муносабат билан хотин-қизлар ва эркакларга иш ҳақи тўлашни белгилашда мавжуд бўлган камчиликлар тилга олиб ўтилди. Айни пайтда касаба уюшма етакчилари ушбу соҳада муайян ишларни олиб бормоқдалар.

**«Ishonch» мухбири Амина ҚОДИРОВА ёзиб олди**




***Қаршида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV қурултойи қарорларининг бажарилишида бошланғич ташкилотлар ролини ошириш бўйича фаоллар ўқуви бўлиб ўтди.***

## Фойдали машғулот

Ўқувни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Э.Ражабов кириш сўзи билан очиб, амалга оширилиши зарур бўлган долзарб масалалар ҳақида гапирди.

Машғулотларда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ходимлари Я.Норов, Т.Зоиров, А.Расулов, А.Тўраев, А.Эшқобиловлар нодавлат секторига қарашли корхона ва ташкилотлар ходимлари ўртасида касаба уюшма аъзолиги афзаллигини асослаш ва ташкил этиш, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг бажарилиши, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг ижроси, жамоа шартномаси тузиш ва экспертизадан ўтказиш, касаба уюшма бюджети ва мулкини шакллантириш, ундан фойдаланиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш вазифалари ҳақида маъруза қилдилар.

Тадбирда касаба уюшмаларининг илғор иш тажрибалари ўрганилди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Манфаатли ҳамкорлик

...«Касаба уюшма ташкилотчи аъзоларига дам олиш уйлари, санаторийларга имтиёзли йўлланмалар бериб боради, ходимлар фарзандларининг ёзги дам олишида болалар оромгоҳларига имтиёзли йўлланмалар ажратади», дейилади «Нексия-транс» хусусий корхонаси раҳбари Т.Ҳасанов билан Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Жиззах вилоят вакили Ғ.Ҳосилбеков ўртасида имзоланган шартномада.

Жиззахдаги «Нексия-транс» хусусий корхонаси аҳолига, шунингдек, давлат корхоналарига пуллик транспорт хизмати кўрсатади.

Жорий йилнинг ўтган даврида нодавлат секторида фаолият юритаётган «Элегант-Кристалл», «Уста-Фозил» хусусий корхоналари, ўндан ортиқ жамоалар раҳбарлари вилоят тармоқ касаба уюшмаси вакили билан ўзаро шартнома имзолашди.

Шартномаларда касаба уюшма аъзолиги афзаллигини асослашга кўпроқ эътибор қаратилгани ҳамкорлар диққатини тортмоқда. Янги ҳамкор жамоаларда ҳозиргача 50дан зиёд янги касаба уюшма аъзолик билетлари эгаларига топширилди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши ёш врачлар, фелдшерлар, ҳамшира ва ишчи-ходимлардан бир гуруҳини Самарқанд шаҳрига бепул саёҳатини ташкил этди.***

## Ёш тиббиёт ходимлари саёҳатда

— Вилоятимизнинг тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётган кам таъминланган оила аъзоларидан 54 нафари Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиб қайтишди. Улар орасида Термиз, Шўрчи ва Шеробод тиббиёт коллежларида таҳсил олаётган 6 нафар аълочи ва жамият ишларида фаол талабалар ҳам бор, — дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Муяссар Қодирова.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Харидоргир маҳсулотлар

Олтинкўл туманидаги «Fikentex Andijan» Малайзия шўъба хорижий корхонасида тайёрланаётган эркаклар, аёллар ҳамда болалар пайпоқлари сифати, пишиқлиги ва бежиримлиги билан харидоргир бўлмоқда.

Корхона йилига юқори сифатли пахта толасидан тайёрланган 600 минг жуфт турли хилдаги пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Замонавий технология асосида тайёрланаётган маҳсулотларга буюртмалар кўпаймоқда. Бу эса келгусида маҳсулот турини ошириш ва экспорт қилиш имконини яратади.

**Суратда: илғор ишчи Маҳлиё Холматова.**

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат**






**Тошлоқ тумани Заркент қишлоғи аҳли Сойибжон аканинг исмига монтёр сўзини қўшиб айтади. Ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтибдики, у ҳамқишлоқларининг узоғини яқин қилишдек шарафли вазифани адо этиб келаётир. 1975 йили қишлоғидаги 12-мактабни тугатган Сойибжон ака Фарғона туманидаги маиший хизмат кўрсатиш техникумига ўқишга кирди. Ҳарбий хизматдан сўнг қишлоғида автомат телефон станцияси монтёри бўлиб иш бошлади. 1984 йили Тошкент алоқа институти қошидаги алоқа ходимлари малакасини ошириш курсида ўқиди. 1987 йилдан катта электромеханик вазифасида ишлаб келмоқда.**



## Табаррук ёшни нишонлади

Алоқа тизими такомиллашиб, мижозларга хизмат кўрсатиш турлари кенгайиб бораяпти.

— Сойибжон ака ҳар қандай топшириқни вақтида бажариши, ишга масъулият билан ёндашиши билан ҳамкасблари орасида ажралиб туради, — дейди туман телекоммуникация боғланмаси бошлиғи Бахтиёржон Ҳомидов. — Унинг фаолияти юзасидан бирорта мижоз шикоят қилгани йўқ.

Сойибжон аканинг эл-юрт олдидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Мустақилликнинг ўн етти йиллиги арафасида «Шуҳрат» медали билан тақдирланганлар рўйхатида унинг ҳам исм-фамилияси бор эди.

— Бу юксак эътибордан ғоят мамнунман, — дейди Сойибжон Ғофуров. — Ютуқларим замирида марҳум устозим Холбой Икромовнинг хизмати беқиёслигини таъкидлашни истардим. Унинг талабчанлиги, тўғрисўзлиги менга ибрат бўлган.

Дарвоқе, Сойибжон ака яқинда оиласи, ҳамкасблари даврасида табаррук эллик ёшини нишонлади.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

Орамиздаги одамлар



***1976 йилдан буён қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб келаман. Ҳалол меҳнати билан обрў топган талай инсонларни кўрдим ва бундайлар ҳеч қачон эл эътиборидан четда қолмаслигига амин бўлдим.***

## Меҳнат қилган элда азиз

1999 йилгача жамоа ва ширкат хўжаликларида оддий ишчи, ҳисобчи, бригада ва бўлим бошлиғи, механик каби вазифаларда ишладим. 1999 йил «Феруз» фермер хўжалигини ташкил этдим. Дастлаб 3 гектар ерда деҳқончилик қилдим. 2004-2005 йилларда ширкат хўжаликлари тугатилаётганда, тендер танловида иштирок этиб, яна қўшимча 51 гектар ер олдим. Экин майдонларининг асосий қисми ғаллазор. 30 гектарда ғаллачилик билан машғулмиз. 19 гектарда янги боғ барпо этганмиз. 7 гектар лалми ғаллазоримиз ҳам бор. Бултур ғаллачиликда юқори натижаларга эришиб, вилоят ҳокимлиги томонидан «Элдош» русумли мотоцикл билан мукофотлангандим. Бу йил ҳам натижаларимиз яхши. Пиллачилик, сўнг яқинда сабзавот етиштириш йиллик шартнома режасини ҳам ошириб бажардик. «Афросиёб-мева» қўшма корхонасига 60 тонна помидор топширдик.

Даромадларимиз 15 нафар ишчининг турмуш фаровонлигини ўстириш, фермер хўжалигининг моддий-техник имкониятларини яхшилашга сарфланяпти. Ҳар йили режадан ортиқча ғаллани ишчиларимизга, қолаверса, ён атрофимиздаги ночор оилаларга тақсимлаб беряпмиз. Мустақилликнинг 17 йиллиги арафасида ишчиларимизнинг 5 нафарини ишлаб чиқаришдаги фаоллиги учун рангли телевизор, 2 нафарини ДВД плейери, 3 нафарини эса радиоприёмник билан мукофотладик. Сувчилардан Алишер Мусаев, Ўктам Темиров, тракторчи Маҳмуд Пўлатов ва бошқалар бундай рағбатдан ғоятда мамнун бўлишди.

Мустақиллик байрами арафасида «Шуҳрат» медали билан тақдирландим. Бошим кўкка етди. Бу менга янада каттароқ масъулият юклайди.

**Абдурашид САТТОРОВ,**
**Булунғур туманидаги «Феруз» фермер хўжалиги раҳбари**



### «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

# Сардор



Бу овулнинг ерлари Амударё билан туташиб кетади. Унинг ҳудуди дарё қайирларидан ошиб, Хоразм вилоятининг Хонқа туманигача бориб етади. Дарё ўзанидаги оролчалардан ҳар иккала соҳил деҳқонлари ризқ-насибасини териб ейди. Туямўйин гидроиншооти қурилмасдан олдин кўплаб серҳосил ерларни, уй-жойларни гирдоб ўз домига тортиб кетган. Бу дарё дастидан неча юзлаб оилалар паноҳ излаб Жамбасқалъа, Қирққиз, Элликқалъа томонлардан паноҳ топишга мажбур бўлган.

Қаҳрамонимиз Пайзулло Худойберганов ана шу Сарибий қишлоғида туғилиб камол топганлардан бири. У Элликқалъа туман қишлоқ хўжалик ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг икки қаватли биносида уч хона қўмитага тегишли. Бироқ бугунги долзарб кунларда раисни жойидан топиш амри маҳол.

Айни кузда қўмита ишлари «болалаб» кетади. Ўн мингдан зиёд аъзони бирлаштирган ташкилот кенг қамровли ишларни амалга оширади. Янги иш ўринлари ташкил этишга кўмаклашиш, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя, аъзолар ҳамда уларнинг оилалари саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун шароитлар яратиш ва ҳоказо.

Ёшлар йилида кенгаш томонидан амалга оширилган ишларнинг баъзиларини санаб кўрайлик. «Ақчакўл» фермер хўжаликлари уюшмасида Шермамат Нуримбетов исмли инсон яшайди. Пахтачиликда донг таратган деҳқон. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими. Эл оқсоқоллари, раҳбарлар ҳожи бободан ҳозир ҳам пахтачилик сирларини ўрганишади. Қўмита Шермамат отанинг саксон ёшли юбилейини ўтказишда бош-қош бўлди. «Ақчакўл» бўйига бобонинг сурати туширилган плакат қўйилди.

— Бу меҳнаткашнинг қадри, инсон ҳурмати белгиси, — дейди қўмита раиси. — Биз у каби кўпни кўрган замондошларимиздан ёшларимиз доим ибрат олишларини истаймиз. Туманимизда бундай отахонлар кўп. Шулардан бири Аъзабобо Ёқубовдир. Бобо Ижтимоий ҳимоя йилида йигирмадан ортиқ кам таъминланган оилани оталиққа олди. Уларни ҳар ойда фермер хўжалиги далаларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб келади. Уч бош қорамолни кам таъминланган оилаларга бепул берган бўлса, етти сигирни эллик фоиз баҳода шундай оилаларга сотган. Биз ушбу отахон билан ҳам ёшларнинг учрашувини ташкил қилдик. У кишининг ибратли ҳаётига кўпчиликнинг ҳаваси келди.

Пайзулло ёшлигидан дуруст инсонларга ҳавасманд. Ҳозирги Тошкент қишлоқ хўжалик академиясини яхши баҳолар билан 1974 йилда тамомлаб, ўзи туғилиб ўсган овулга ишга келди. Охунбобоев номли хўжаликда меҳнат фаолиятини бошлади. Ўша пайтда бу хўжалик нафақат тумандаги, балки Қорақалпоғистондаги энг илғорлардан бири эди. Ёш агроном ўзига юклатилган вазифа нақадар масъуллигини дилдан ҳис қиларди.

Кейинчалик ёшлар сардори сифатида беш йил фаолият кўрсатиб, тажриба орттирди. Ҳозир ҳам туман «Камолот»чилари барча тадбирларни Пайзулло билан баҳамжиҳат амалга оширадилар. Умр — оқар дарё. Ҳаётининг сўнгги йиллари янада сермазмун кечди. Ўтиш даври қийинчиликларини енгишда қишлоқ бошчиси сифатида ундан кўп нарсаларни амалга оширишни талаб қилди. Пайзуллога кишилар билан тез тил топиша билиши, одамохунлиги қўл келди.

Мана тўрт йилдирки, агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Элликқалъа туман қўмитаси раиси сифатида қишлоқ хўжалик ходимларининг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасига бош-қош. Пайзулло ён дафтарчасини олиб, ўзи белгилаб қўйган муҳим вазифалар, уларнинг ижроси хусусида гапиришда давом этди. Фақат шу йилнинг ўзида шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижроси мониторинг қилинганда, 499 фуқаронинг меҳнат дафтарчаларига ёзув киритилгани маълум бўлди. Агар ўтган йилларни ҳам қўшадиган бўлсак, кўплаб оилалар муқим иш ўрнига ҳамда даромадга эга бўлганлигини кўриш мумкин.

Салкам Хоразм вилояти ҳудудига тенг келадиган ҳудудда иш олиб бориш осон эмас. Пайзулло учун муҳими — одамларга нафи тегаётгани. Раҳмат сўзини эшитганда, бутун чарчоғи чиқиб кетади.

Туманнинг маданий ҳудуди деб шартли равишда юритиладиган «Дўстлик», «Сарибий», «Қилчиноқ», «Амиробод» ҳамда «Тоза Амиробод» овулларида аҳоли зич яшайди. Қўмита раиси шу ҳудудларда аҳолини, айниқса, аёлларни касаначилик асосида иш билан таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар эътирофга сазовор. Айнан Пайзуллонинг ташаббускорлиги ҳамда ижтимоий шерикчиликни намунали йўлга қўйганлиги туфайли шу йилнинг ўтган даври мобайнида қишлоқ меҳнаткашлари учун хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 8 та иншоот ишга туширилди. Туманда бу соҳа учун 207 та янги иш ўрни очилди. Касаначилик асосида яратилган иш ўринлари эса 450 тага яқинлашди. Ишли бўлганларнинг 150 дан зиёди аёллардир.

Қўмита кам таъминланган ёлғиз қариялар, уйида ўқитилаётган ёшлардан 58 нафарини рўйхатга олган. Улар доимий эътиборда. Бундан ташқари, бу йил 15 оилага моддий ёрдам уюштирилди. 38 аъзо санаторий ва дам олиш уйларида саломатликларини тиклади.

— Фаоллар ҳар доим кўмакдошларим, — дейди Пайзулло. — Пахтаарна-найман ирригация тизими, «Элликқалъа оқ олтини» ҳиссадорлик жамияти ва «Бўстон» фермер хўжаликлари уюшмаси касаба уюшма ташкилотлари раислари Бекберган Омонбоев, Собир Мирсолиев, Бекпошша Саидоваларнинг ибратли фаолиятлари кенг оммалаштирилмоқда.

Йилнинг йилдан фарқи бор дейишади. Сув тақчиллиги бу йил ўзини кўрсатди. Вегитация даврида қийинчиликлар кўпайиб кетди. Пайзулло ана шу кунларда агроном, тажрибали деҳқон ва касаба уюшма раҳбари сифатида тонгдан шомга қадар дала кезди, деҳқонларга мададкор бўлди. Шийпонларнинг қайта жиҳозланиб, ишга туширилишига муносиб ҳисса қўшди. Қишлоқ меҳнаткашларининг фарзандлари қаровсиз қолмасликлари учун мактабгача таълим муассасалари мунтазам ишлашини таъминлади. Ҳомийлар жалб этилиб, далада ишлаётганлар учун янада қулай шароитлар яратилди.

Пахта йиғим-терими даврида ёрдамга келган теримчилар ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш ҳам қўмита раиси эътиборидан четда қолмади. Элликқалъа туманининг давлат омборларига 27 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топшириб, шартномавий режани муваффақиятли бажаришида касаба уюшмасининг муносиб хизмати борлигини эндиликда барча фермерлар мамнуният билан қайд қилмоқдалар. Пайзулло Худойбергановдай сардорлар бор экан, касаба уюшмасининг мавқеи ошаверади, дейишмоқда улар.

Режалар янада бисёр. Қиш келди деб хотиржамликка берилишга асос йўқ. Фермерлар йириклаштирилаётган паллада улар манфаатларини янада қаттиқроқ ҳимоя келишга тўғри келади. Ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш лозим. Аъзолар ижтимоий ҳимоясини бир дақиқа унутишга ҳаққи йўқ. Демак, яна ишга...

**Жангабой ЖАЙЖОНОВ,**
**журналист**

## Ҳар бир мурожаат эътиборда

***Конституциямизнинг 35-моддасида «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда, ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир» дейилган. Шунингдек, аризалар, таклифлар, шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги ҳам эътироф этилган.***

Кармана туман ҳокимлиги иш юритиш бўлими мудири Ҳамроқул Асадов кўп йиллардан буён аризалар, таклифлар, шикоятларни рўйхатга олиш ва юритиш, уларнинг ижровий йўналишини белгилаш билан шуғулланади. Энг муҳими, бу ерда фуқароларнинг ҳар бир мурожаатига уларнинг жамоат ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг бир шакли сифатида қаралмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 200 га яқин ёзма мурожаатлар қайд этилган бўлса, уларнинг барчасига ўз муддатида муносабат билдирилган. Оғзаки мурожаатлар, туман ҳокими ёки ўринбосарларининг фуқароларни қабул қилиш вақтларида қайд этилаётган ҳар




бир масала тегишлилигига қараб, мутасадди ходимлар ёхуд идораларга йўналтирилган. Оилавий, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, ишсизлик, иш ҳақининг вақтида тўланмаслиги каби ҳолатларга, айниқса, биринчи галдаги вазифа сифатида қаралаётир.

— Кейинги ҳафталар мобайнида менга тегишли 6 та ариза тушди, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Насиба Содиқова. — Аксарияти кам таъминланган аёллар номидан қайд этилган. Яқинда иш сўраб Зилола Мустафоева ва боқувчисини йўқотган Назира Шодиева келишганди. Масала жиддийлиги боис «Навоийазот» ОАЖ маъмуриятига мурожаат қилдик. Ҳозир аёлларнинг бири жамиятда техник ходим ва яна бири цех ишчиси бўлиб иш бошлашди. Ёки бўлмаса, «Ҳазора» ҚФЙда яшовчи Ҳ.Ўроқовани олайлик. Унинг қизи Навоий Давлат педагогика институтининг 3-курсида контракт асосида ўқимоқда. Оилани оёққа турғазишни ўйлаган аёл кўзда ёши билан мадад сўраб ҳокимликка учради. Кўпдан қуён қочиб қутулмас, дейдилар. Тумандаги «Тошработ» маҳалла ҳудудида иш юритувчи «Карим» фермер хўжалиги раҳбари Т.Шайдулов Ҳ.Ўроқованинг қизи токи институтни тугатгунга қадар шартнома тўловларини ўз ҳомийлигига олди.

Ана шунақа, қалови изланса, сабр ва кенгашув асосида иш юритилса, қўр олмаган олов ҳам, ечими топилмаган муаммо ҳам қолмаслиги тайин.

**М.АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

